

# **Маъмурий ислоҳотлар – натижадорликка йўналтирилган ихчам ва профессионал давлат бошқарувини яратишнинг асоси**



Давлат бошқаруви аппаратини сақлаш билан боғлиқ харажатларнинг мақбуллаштирилиши коррупциявий омилларни бартараф этиш ҳамда бюджет маблағларининг сарфланиши устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатишга хизмат қиласди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмаси ислоҳ қилиниб, Бош вазирнинг 4 нафаргача ўринбосарлари лавозими ҳамда Бош вазир котибияти ташкил этилмоқда. Бу, ўз навбатида, замонавий талабларга жавоб берадиган ихчам давлат бошқаруви тизимини шакллантириш, қарор қабул қилиш ва масалани кўриб чиқиш жараёнларини соддалаштиришга хизмат қиласди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Президентимизнинг 2022 йил 21 декабрь кунидаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари доирасида республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-447-сон қарори ҳам маъмурий ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси сифатида қабул қилинган муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлди.

Мазкур қарор билан Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотлари доирасида амалга ошириладиган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланиб, унда бир қатор муҳим аҳамиятга эга бўлган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар белгиланди.

Умуман олганда, республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолияти янгиланган талаблар ва тамойиллар асосида ташкил этилаётганлиги маъмурий ислоҳотлар доирасида мамлакатимизда натижадорликка йўналтирилган ихчам ва профессионал давлат бошқаруви тизимини яратиш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилаётганлигини англаради.

**Сурхондарё вилоят суди судьяси**

**З.Э.Мавлонов**